



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 4 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 8, НОМЕР 4

LOOK TO THE PAST
VOLUME 8, ISSUE 4



ТОШКЕНТ-2025

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлок
хужалигини механизациялаш
муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш давлат университети

Маҳкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафасва Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори, профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуридинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Тўхтабасев Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


| | |
|---|----|
| 1. Boxodirov Ixtiyor TURKISTON HARBIY OKRUGINING ILI O‘LKASIDA ROSSIYA IMPERIYASI HUKMRONLIGINI O‘RNATISHGA QARATILGAN FAOLIYATI..... | 5 |
| 2. Bo‘tayev Jonibek XX ASR BOSHLARIDA SAMARQAND VILOYATIDA TIBBIY XIZMAT HOLATI..... | 10 |
| 3. Djumamurotov G‘ulom XVIII ASRNING IKKINCHI YARMI VA XIX ASR BOSHLARIDA QORAQALPOQLARNING OROL BO‘YIGA KO‘CHIB JOYLASHISHI..... | 16 |
| 4. Ergasheva Xusnida NEFT SANOATINING MODDIY-TEXNIK BAZASI VA INFRASTRUKTURASINI RIVOJLANTIRISH..... | 27 |
| 5. Кобзева О.П. СКАНДИНАВСКИЕ ИССЛЕДОВАТЕЛИ ШЕЛКОВОГО ПУТИ..... | 34 |
| 6. Rahmatov Muhridin TATAR ZIYOLILARINING TURKISTON TA‘LIM TIZIMINI YO‘LGA QO‘YILISHIDAGI ISHTIROKI VA UNING NATIJALARI..... | 40 |
| 7. Ruzikulova Maftunaxon MARKAZIY FARG‘ONA SUV XO‘JALIGINING MOLIYAVIY TA‘MINOTI VA UNDAGI MUAMMOLAR (1950-1991-yillar)..... | 46 |
| 8. Саттаров Акрам XIX АСР ЎРТАЛАРИДА ТУРКИСТОНДАГИ ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТ..... | 52 |
| 9. Tishabayev Alisher O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA MALAKALI SPORTCHI MUTAXASSIS KADRLAR TAYYORLASH TIZIMIDAGI O‘ZGARISHLAR (1991-2019-yillar)..... | 58 |
| 10. Toliboyeva N.O. O‘ZBEKISTONDA MADANIY-MA‘RIFIY SOHANING YUKSALISHI..... | 66 |
| 11. Хайдаров Муродилла ФРЕДЕРИК СТАРР. МАРКАЗИЙ ОСИЁНИ ҚАЙТА КАШФ ЭТИБ..... | 71 |
| 12. Baxtiyor Yuldashev, Xusnida Ergasheva SOVET DAVLATI HUKMRONLIGI YILLARIDA O‘LKADA NEFT SANOATINI RIVOJLANTIRISHGA DOIR CHORA-TADBIRLAR..... | 81 |



Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
Таржимон. Т.ф.д., Геология фанлари
университети профессори

ФРЕДЕРИК СТАРР. МАРКАЗИЙ ОСИЁНИ ҚАЙТА КАШФ ЭТИБ

For citation: Муродилла М.Хайдаров. FREDERICK STARR. DISCOVER CENTRAL ASIA ANEW. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 4, pp.71-80

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.15380680>

АННОТАЦИЯ

Стивен Фредерик Старрнинг ушбу асари Шарқ тарихи бўйича ноёб ходиса яъни инсоният цивилизацияси тараққиётига улкан хисса қўшган Марказий Осиё уйғониш феноменини аниқроғи мамлакатимиз олимларининг улкан илмий-маданий меросини очиб беришга қаратилган. Мазкур асарда олимларнинг эркин фикр юритишлари, диний бағрикенглик масалалари, эришилган илмий ютуқларнинг асл сабаблари баён этилган. Олимларнинг жасурлик билан илгари сурган ғоялари дунё илм-фани ривожига муносиб хисса қўшганлиги очиб берилган. Таржимон томонидан асардаги баъзи масалалар юзасидан замонавий илмий тадқиқот хулосалари баён этилган.

Калит сўзлар: сайёралар тизими, насронийлик, мутафаккир, дохиёна таълимот.

Переводчик **Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**
Док.ист.наук., профессор Университет геологических наук

ФРЕДЕРИК СТАРР. ОТКРЫВАЯ ЦЕНТРАЛЬНУЮ АЗИЮ ЗАНОВО

АННОТАЦИЯ

Данный труд Стивена Фредерика Старра посвящен раскрытию феномена пробуждения Центральной Азии - редкого явления в истории Востока, внесшего огромный вклад в развитие человеческой цивилизации. В частности, работа направлена на освещение колоссального научно-культурного наследия ученых нашей страны. В данной работе рассматривается свободомыслие ученых, вопросы религиозной толерантности и истинные причины научных достижений. Показано, что идеи, смело выдвинутые учеными, внесли значительный вклад в развитие мировой науки. Переводчик представляет выводы современных научных исследований по некоторым вопросам в работе.

Ключевые слова: планетарная система, христианство, мыслитель, гениальное учение.

Translator **Haydarov Murodilla Maxmutalievich**
 Doctor of Historical Sciences, Professor university of geological sciences

FREDERICK STARR.
DISCOVER CENTRAL ASIA ANEW

ABSTRACT

Stephen Frederick Starr's work is dedicated to revealing the phenomenon of Central Asian awakening - a rare phenomenon in the history of the East that has made a huge contribution to the development of human civilization. In particular, the work is aimed at illuminating the vast scientific and cultural heritage of our country's scholars. This work examines scholars' freethinking, religious tolerance issues, and the true causes of scientific achievements. It is shown that the ideas boldly put forward by scientists have made a significant contribution to the development of world science. The translator presents the conclusions of contemporary scientific research on some issues in the work.

Index Terms: planetary system, Christianity, thinker, genius doctrine.

1. Долзарблиги:

Шарқ уйғониш даврининг асосчилари бизнинг аجدодларимиз эканлиги тарихимизнинг ёрқин саҳифаларидан бири сифатида ҳар томонлама ўрганилиши доимо долзарб бўлиб келган. Шунингдек мутафаккир олимларимизнинг илмий мероси хорижий тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши, илмий-маданий меросимизни жаҳон тамаддунига қўшган хиссасини чуқур эҳтиром билан эътироф этиши бугунги кунда ёшларимизда фахр туйғусини шакллантиради. Юртимиз ахлини, келажак авлодни ана шу меросга муносиб бўлиш ва юрт тараққиётига хисса қўшишга ундайди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Марказий Осиё тарихи бўйича кўплаб хорижий тарихчи олимлар, сиёсатшунослар асарлар ёзганлар ва илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Фредерик Старр “Йўқотилган Маърифат асрлари: Марказий Осиёнинг араблар босқинидан токи Темурғача бўлган олтин даври” номли йирик асарида Марказий Осиё хусусан, мамлакатимиз олимларининг жаҳон илму фани тараққиётига улкан хисса қўшганлиги баён этилган. Унинг мақсади Марказий Осиёнинг қолоқлиги ва четда қолганлиги ҳақидаги афсона пуч эканлигини исботлашдир. У китобхонни ҳозирги Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон, қисман Афғонистон, Покистон ва Хитой ҳудудларида содир бўлган, инсоният тарихида муҳим рол ўйнаган илмий кашфиётлар ва бошқа воқеалар билан таништиради.

Мазкур мақолада таржимаси келтирилган Фредерик Старрнинг навбатдаги “Марказий Осиёни қайта кашф этиб...” асари ҳам юқорида келтирилган фикрларни асосий қисмини ўзида акс эттирган.

2. Тадқиқот натижалари:

...Бир замонлар бу юрт "минглаб шаҳарлар мамлақати", бутун дунёга донғи кетган кўплаб олимлар, шоирлар ва файласуфлар плеядасининг ватани эди. Бугун эса у кўпроқ ҳамманинг ёдидан кўтарилган чекка ҳудудга ўхшайди. Унинг келажagini тасаввур қилиш учун яна бир бор унинг ажойиб ўтмишига саёҳат қилишга тўғри келади. Гап Марказий Осиё ҳақида бормоқда.

...998-йилда ҳозирги Ўзбекистон ва Туркменистон ҳудудида, бир-биридан тахминан 320 километр масофада яшовчи икки йигитнинг ўзаро ёзишмалари бошланди. Ҳатто XXI аср илмий муассасаларида ҳам ғайритабиий туюладигандек кўринадиган сўз беллашувида улар 18 та масалани муҳокама қилишди. Улардан баъзилари бугунга қадар долзарблигини йўқотмаган.

Улар: "Юлдузлар орасида бошқа сайёра тизимлари ҳам борми ёки биз коинотда ёлғизмизми?" деган савол ҳақида бош қотиришган.. Ўшандан кейин Европада бу масала яна 500 йил давомида муаммоли бўлиб қолди, аммо бу икки исътедод учун ўз ечимига эга эди: “Биз ёлғиз эмасмиз”. Улар ўзларидан ер яхлит яратилганми ва бу жараён яқунланганми ёки у

вақт ўтиши билан такомиллаштирилганми, деб сўрашарди. Уларнинг фикрича, вақт боши ва охири йўқ узлуксиз тўпладир. Улар креационизм назариясини рад этиб, эволюцион геология ва ҳатто дарвинизмни деярли минг йил олдин башорат қилгандилар. Ўша даврларда бундай ғоялар улар эътиқод қилган ислом дини нуқтаи назаридан гуноҳ саналган, худди кейинчалик ўрта аср насронийлигида бидъат деб қораланганидек[3]. (Ушбу иқтибослар муаллиф тадқиқотлари билан бугунги тадқиқотларни таққослаш учун келтирилди)

Ҳозирда четда қолган деб ҳисобланаётган минтақалар бағрида вояга етган яъни қадимги фан тарихида ўн асрлар олдин пайдо бўлган, келажакка ишонч билан йўл очиб берган бундай ғояларни камдан-кам учратиш мумкин. Бу ғоялар бизгача қарийб минг йил ўтиб нашр етилган қўлёзмаларнинг сақланиб қолган бир неча нусхалари туфайли етиб келган.

Йигирма олти ёшли Абу Райҳон Беруний ёки соддароқ қилиб айтганда Ал-Беруний (973-1048) асли Орол денгизи атрофидаги вилоятдан эди. Кейинчалик у ўз даврининг деярли барча фанларидан, айниқса география, математика, тригонометрия, қиёсий диншунослик, астрономия, физика, геология, психология, минералогия ва фармакологияда шуҳрат қозонди. Унинг бахсдоши бу Али ибн Сино ёки Ибн Сино (тахминан 980-1037) бугунги кунда Ўзбекистонда жойлашган, илм-фан ва таълимнинг қўрғони бўлган- улуғвор Бухоро шаҳридан эди. У тиббиёт, фалсафа, физика, кимё, астрономия, илоҳиёт, клиник фармакология, физиология, этика ва ҳатто мусиқа соҳаларида ўз изини қолдирди. Ибн Синонинг лотин тилига таржима қилинган машҳур "Тиб қонунлари" асари Ғарбда замонавий тиббиётга асос солди. Бу икки мутафаккир қадимги ва Уйғониш даврининг энг буюк олимлари ҳисобланади.

Бугунги кунда кўпчилик, агар бу мунозарага дохил даҳоларни билса, уларни араб деб ўйлайди. Буни тушуниш мумкин, чунки иккаласи ҳам араб тилида (шунингдек, форс тилида) ижод қилишган. Аммо Марказий Осиёдан чиққан, араб тилида ёзадиган одам араб бўлиб қолмайди - худди инглиз тилида ёзадиган япон инглиз бўлмагани каби[4]. Тўғрироғи, улар ҳозирда Марказий Осиё деб аталадиган ҳудуддан келиб чиққан этник турк ва форслар бўлиб, уларнинг ҳар иккиси ҳам математика, астрономия, тиббиёт, геология, тилшунослик, сиёсий фанлар, шеърят, меъморчилик ва амалий технологиядаги даҳолардан иборат улкан юлдуз туркумининг бир қисми эдилар.

800-1100-йиллар оралиғида бу олимлар ва мутафаккирлар, шоир ва рассомлар плеядаси Марказий Осиёни дунёнинг ақлий марказига айлантirdилар. Уларнинг таъсири Шарқий Осиё ва Ҳиндистондан тортиб Европа ва Яқин Шарққача бўлган кенг ҳудудда сезилиб турарди.

Бугун буларнинг барчасини тасаввур қилиш ҳам қийин. Хитой, Покистон, Эрон, Россия ва Каспий денгизи оралиғидаги суғориладиган чўл, тоғ ва даштлардан иборат бу бепоён минтақа четда қолиб, гоҳ у, гоҳ бу қудратли давлатнинг "орқа ҳовлиси"га айланди. Анъанавий равишда Марказий Осиёнинг жон томирларидан бири ҳисобланган, хонавайрон бўлган Афғонистонда АҚШ курулли кучлари қолоқ ва жоҳил толибонларга қарши жанг қилмоқда. Марказий Осиёнинг қолган қисми билан боғлиқ Америкадаги асосий янгиликлар, маълумотлар Пентагоннинг афғон кампаниясини таъминлаши мумкин бўлган базаларни қидиришига тааллуқли. Хитойда минтақага нефт, табиий газ, олтин, алюминий, мис ва ураннинг ярим мустамлака манбаи сифатида қаралади. Россия талқинида эса, минтақа Ғарб ва айниқса Хитой билан геосиёсий рақобат майдонига айланган. Хориждаги одамларнинг аксарияти Ибн Сино ва Берунийнинг ватанини менсимасдан, унга фақат нотинч ҳудуд сифатида қарайдилар, "бошқа жойга бориш учун негидир албатта кесиб ўтишга тўғри келадиган жой сифатида... "

Бироқ бу ерларнинг ҳозирги кундаги аянчли аҳволини ҳисобга олганда бунга ажабланмаса ҳам бўлади. XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб Россия минтақанинг катта қисмини мустамлака қилди. Шу билан бирга, Британия Ҳиндистон мулкини Россиядан ҳимоя қилиш учун Афғонистонни ўз буфер ҳудудига айлантirdи. Шунинг баробарида Хитой эса шарқ томондан катта бўлакни ютиб юборди, бугунги кунда Шинжон (Синъязн), яъни

"Янги ҳудуд" номи билан машхур бўлган катта ҳудудни эгаллаб олди. Илм-фан ва таълимнинг қадимий анъаналари аллақачон ғарқ бўлиб кетган. Тўғри, Советлар саводхонликни тикладилар, лекин шу билан бирга улар дунёвий ва диний соҳаларда эркин фикрларни бостирдилар. 1991-йилда Совет Иттифоқи парчаланганидан кейин бешта мустақил давлатнинг ташкил этилиши ва 11-сентябрдан кейин Афғонистонда нисбатан янги ва замонавий ҳукуматнинг ташкил этилиши минтақа учун янги кун бўлди.

Мана, ўн саккиз йилдирки, СССР вайроналари ўрнида шаклланган барча янги давлатлар ўз суверенитетини сақлаб келмоқда, Афғонистон эса жон сақлашга интилмоқда. Шунга қарамай, минтақанинг баъзи мамлакатлари ҳали ҳам ночор аҳволда ва уларнинг энг илғорларида ҳам халигача авторитар бошқарув шаклларига қарам ва коррупция унсурлари мавжуд. Уилям Фолкнер 1950-йилда Нобел мукофоти билан тақдирланганида сўзлаган нутқида эслатиб ўтганидек, омон қолиш ва ҳаёт бир нарса эмас. Эҳтимол, бу мамлакатлар ягона умид қилиши ва интилиши мумкин бўлган ягона нарса уларнинг жисмини ўраб турган барча салбий нарсалардан шунчаки "тозалаш"дир? Ёки улар шонли ўтмишда порлаб турган порлоқ ҳаётларининг лоақал бир қисмини тиклаб, тўлақонли ҳаёт кечиришга қодирмилар?

Ҳолбуки, уларнинг ўтмиши ҳақиқатан ҳам шавкатли эди. Марказий Осиёнинг минг йил олдинги интеллектуал ютуқларини санаб адоғига етиб бўлмайди. Масалан, математикага мурожаат қиладиган бўлсак, айнан марказий осийликлар биринчи бўлиб иррационал сонларни қабул қилдилар, кубик тенгламаларнинг турли шакллари кашф этдилар, тригонометрияни ўйлаб топдилар, ўнли сонлар тизимини ва хинд рақамларини (Ғарбда "араб" рақамлари деб аталган) мослаштирдилар ва тарқатдилар. Астрономияда улар Ернинг диаметрини шундай аниқлик билан ўлчаб бердиларки, бу сўнгги юз йилликкача бу масала мавҳум эди. Энг янги тарихгача бир нечта энг йирик расадхоналарни қурдилар ва улардан хайратланарли аниқликдаги астрономик хариталарни ишлаб чиқишда фойдаландилар.

Марказий Осиё вакиллари илк кимёда тесқари реакциялар масалаларини ишлаб чиқишган. Улар биринчи бўлиб тозалаш усули сифатида кристалланишни қўладилар, табиий элементларни тизимлаштириш учун махсус тортишиш кучини ўлчадилар ва шу билан 1871-йилдаги Менделеев даврий жадвалидан илгарилаб кетдилар. Улар тиббиёт соҳасидаги антик билимларга кўплаб янгиликларни тизимлаштирдилар ва қўшдилар, фармакологияни сезиларли даражада бойитдилар ва буларнинг барчасини Ғарб ва Ҳиндистонга ёйдилар. Ниҳоят, технология соҳасида: улар сув босимини кўтариш учун гидравлик механизмларни ва тегирмон ихтиро қилишди, бу эса аста-секин ғарбга - Яқин Шарқ ва Европага, шунингдек, шарққа - Хитойга тарқалди.

Биз ҳикоя қиладиган замонлар аслида марказ Бағдод халифалигида бўлган буюк араб илм-фан ва таълим даври бўлмаганми, деган савол туғилиши мумкин. Ҳа, албатта. Бу давр ҳар томонлама билимдон ва офтальмология асосчиси Ибн ал-Ҳайсам (матнда Хайтам-М.Хайдаров) (965-1040-йиллар) [5] каби атоқли араб олимлари томонидан машхурдир. Аммо Лейпциглик тадқиқотчи Генрих Сутер (Heinrich Suter) бундан юз йил олдин биринчи марта исботлаганидек, бу "араблар"нинг кўпчилиги, аслида Марказий Осиёдан келиб чиққан турклар ёки форслар эди.

Масалан, математик ва астроном Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850) ни олайлик. У "Ал-Хоразмий" каби машхур бўлган Ал Беруний билан ватандош бўлиб, Хоразм воҳасининг ўзбек-туркман чегарасида вояга етди. Унинг кўплаб кашфиётларидан бири бўлган алгоритмлар, гарчи бузилган шаклда бўлса-да, ҳанузгача унинг номи билан аталади ва замонавий "алгебра" атамаси тўғридан-тўғри унинг машхур математик китоби номидан келиб чиққан. Худди шунингдек, ҳозирдаги Қозоғистонда жойлашган вилоятдан чиққан турк, ғарбда Алфарабиус номи билан машхур бўлган, Абу Наср ал-Фаробий (тахминан 872-961-йиллар-аслида 873-950-М.Хайдаров)нинг ўз даври учун илғор бўлган Аристотел ахлоқининг таҳлиллари Ғарб мутафаккирларининг (Фома Аквинскийдан ташқари) асарларидан устун бўлган.

Агар Аббосийлар халифалигига, асосан, Марказий Осиёдан келганлар асос солганлигини ёдда тутсак, Марказий Осиё зиёлиларининг Бағдодда ўта муҳим рол

ўйнаганлиги асло кутилмаган ҳол эмас. Албатта, халифаларнинг ўзлари Шарқда ўрнашиб қолган араблар бўлсалар-да, вақт ўтиши билан туркий ва форсий оламга сингиб кетганлар. 818-йилда халифа етиб тайинланган Ал-Маъмун узоқ вақт давомида Марказий Осиёни тарк этишдан бош тортиб, мусулмон дунёсини ҳозирги Туркменистон ҳудудида жойлашган воҳанинг ажойиб шаҳари Марвдан бошқаришни афзал кўрди. У Бағдодга кўчиб келганида, ўзи билан бирга турк аскарлари билан бирга, турк ва форс изларини ўзида жамлаган ўрта осийча таълимотларни- очикроқ ва экуменистик (диний толерантлик, ўзаро англаш, ўзга таълимотларга очиклик-М.Хайдаров) кадрятларни олиб келди.

Марказий Осиёдан Яқин Шарққа миграция антик тарихга хос бўлган юнон илм-фан ва таълим марказларидан Римга ақл сизишини эслатади. Улар ўртасидаги асосий кескин фарқ шундаки, шарқий миграция икки томонлама эди: баъзи Марказий Осиёлик олимлар ва мутафаккирлар Бағдодга кўчиб ўтишган бўлса, ўз навбатида араб зиёлилари Марказий Осиёнинг улуғвор шаҳарларига кўчиб ўтишган. Илмий тафаккурнинг бундай ўзига хос "ўзаро таъсирлашувида" араб олимлари учун кучли магнит вазифасини бугунги кунда Туркменистонда жойлашган фавқуллода маърифатли Гурганж шаҳри (ал-Беруний яшаган) бажарган. Афғонистон шарқидаги Ғазна шаҳри эса яхши молиялаштириладиган ва гуллаб-яшнаётган боғ сифатида улар учун яна бир жозибадор масканга айланди. Қизиғи шундаки, турли хил ваъдалар, имтиёзлар билан Бағдодга жалб қилинган марказий осийликларнинг ҳеч бири у ерда абадий қолмади.

Дунёга шундай ёрқин даҳолар юлдуз туркумини туҳфа этган "Марказий Осиё"нинг ўзи қайси ҳудудларни қамраб олган? Албатта, 1991-йилда мустақилликка эришган бешта давлатнинг барчаси: Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон. Интеллектуал юксалиш нуқтаи назаридан бугунги кунда Афғонистон ҳудудида жойлашган буюк шаҳарлар: Балх, Ҳирот ва бошқалар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бунга ҳозирги Эроннинг шимоли-шарқий вилояти пойтахти (Нишопур шаҳри) бўлган Хуросонни қўшиш лозим, сабаби бу шаҳар ўша донгдор даврда бир қатор инноваторларнинг ватанига айланган. Ушбу "даҳолар кенглигининг" чегаралари ҳам шарққа - ҳозирги Хитойнинг ғарбий чегараларигача чўзилган бўлиб, қадимги Қошғар шаҳри ва Марказий Осиёнинг маданий орбитасига доимий дахлдор бошқа бир қанча йирик марказларни қамраб олган.

Харитада белги қўйиш бошқа, нега айнан шу минтақа (уни Катта Марказий Осиё деб атаймиз) бундай маданий юксалишни келтириб чиқарганини тушунтириш бошқа. Шаҳарларнинг шиддат билан ўсиши бу ҳудуднинг ўзига хос хусусияти бўлиб, маданий ҳаётнинг юксалиши учун ўзига хос плацдарм яратди. Бир араб сайёҳи бугунги кунда Афғонистон, Тожикистон ва Ўзбекистонга кирувчи ҳудудларни "минглаб шаҳарлар мамлакати" деб аталишига ажабланди. Бир пайтлар ушбу минтақанинг пойтахти бўлган қудратли Балхнинг харобалари ҳозирги Афғонистондаги Мозори Шарифдан ғарбдаги текислик бўйлаб ҳали ҳам бир неча милга чўзилиб кетган. Балх ўзининг энг фаровон кунларида Париж, Рим, Пекин ёки Дехлидан кўра бирмунча муаззам эди. Барча буюк минтақавий марказлар сингари у ҳам марказлашган водопровод тизими, кўплаб чўмилиш жойлари, муҳташам саройларга эга бўлган, саройлардан ташқарида яшовчилар учун эса - табиий йўл билан қурилган ғишт пойдеворли уйлар қурилган.

Қитъа савдоси туфайли шаҳарнинг фаровонлиги ҳам ўсди. Балх ва бошқа Марказий Осиё савдо марказларидан келган савдогарлар Яқин Шарқ, Европа, Хитой ва Ҳиндистоннинг ичкарасига йўл олишди. Ўз навбатида, бу ўлкалардан келган савдогарлар Катта Марказий Осиёнинг узоқ километрли масофаларга чўзилган савдо-сотик шохобчаларига мол олиб келганлар. Қул савдоси мусулмон дунёсида ҳам, ундан ташқарида ҳам гуллаб-яшнаганлиги сабабли, бозорлар катта қул бозорларини ҳам ўз ичига олган. Минтақанинг бой савдо марказларидан олтин, кумуш ва бронза пуллар Швеция Готландигача, Корея ва Шри-Ланкагача "саёҳат қилди."

Марказий Осиё Евроосиё қуруқлик массивининг буюк маданиятларини боғлайдиган барча йўналишларнинг чорраҳасида жойлашган. Бу йўллар тармоғи бугунги кунда кўпинча "Ипак йўли" деб аталади. Энг гуллаган даврларида бу йўл орқали турли йўналишларда жуда

кўп миқдорда турли-туман махсулотлар ташилар эди. Шу билан бирга, техник ва технологик ютуқлар алмашинуви амалга оширилди. Шиша хунармандчилиги Яқин Шарқдан Ўрта Осиё орқали Хитойгача, қоғоз ишлаб чиқариш ва ипакчилик эса Хитойдан ғарбга кириб келган. Аммо Марказий Осиё фақатгина пассив узатиш бўғини эмас эди. Ярим минг йил давомида Яқин Шарқ ва Европа Самарқанд қоғозини дунёдаги энг яхши қоғоз сифатида эъзозлаган ва Европанинг кўплаб ўрта аср кафедрал соборларининг ҳашаматли безаклари Фарғона водийсида ишлаб чиқарилган ипак билан безатилган. Ҳеч бўлмаганда битта шундай собор ҳақида ишончли маълумот бор.

Савдогарлар динларни ҳам тарқатишган. Александр Македонский (милоддан аввалги 356-323-йиллар) даврида юнон кўчманчилари Афина, Геркулес ва Афродита культларини Афғонистондаги янги шаҳарларига олиб келганлар. Кейинчалик буддавийлик минтақада мустаҳкам асосга эга бўлди ва у ердан Хитой, Япония ва Кореяга тарқалди. Шу билан бирга, будда рассомлари ҳайкалтарошлиқда Будда тасвирини яратиш ғоясини юнон муҳожирларидан олганлар. Тахминан бир вақтнинг ўзида минтақада яҳудий жамоалари, Сурия насроний епархиялари ва Манихей жамоалари ташкил топди. Ушбу динларнинг ҳаммасидан қуйи қатламда, гўёки уларнинг пойдевори остида ушбу минтақанинг асосий дини - яхшилик ва ёмонлик, покланиш, жаннат ва дўзахга қарши курашга эътибор қаратган зардуштийлик ётарди. Зардушт тахминан милоддан аввалги VII ёки VI асрларда яшаган ва Балх минтақасидан келиб чиққан. Унинг дини жуда жозибали бўлиб чиқди ва ғарбга, ҳатто Бобилгача ёйилди, бу ерда уни ўрганган яҳудийлар унинг таъсирига тушиб қолдилар. Зардуштийлик кейинги динларга ҳам сезиларли таъсир кўрсатди: унинг ғоялари дастлаб иудаизмдан насронийликка, кейин эса исломга ўтди.

Шундай қилиб, VII асрнинг охирида ислом араб қўшинлари билан минтақага етиб борганида, уни биз бугунги кунда қиёсий диншунослик ва фалсафий таҳлил деб атайдиган нарсаларни яхши тушунадиган аҳоли кутиб олди. Марказий Осиёнинг кўплаб аҳолиси исломни қабул қилди, бошқалари, аниқроғи, ҳеч бўлмаганда маданий юксалиш давридан кейин итоат этдилар. Мусулмон бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар, Марказий Осиё мутафаккирлари декодлаш, яъни муқаддас китобларни шарҳлаш соҳасида мутахассис бўлишган. Улардан бири Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870) Муҳаммад пайғамбар ҳадисларини жамлаган ва таҳлил қилган. Ҳозирда Ҳадислар мажмуаси исломда Қуръондан кейинги иккинчи муқаддас китоб сифатида қаралади.

Дунёвий ғоялар ҳам бутун минтақа бўйлаб фазода тарқалади. Астроном Ал-Хоразмий ҳинд рақамларининг (ва нол ғоясининг) утилитарлигини таҳлил қилганда бошқа барча сонлар тизимлари билан солиштириб қилган китоб ёзди. Бошқа тадқиқотчилар янги самарали ғояларни излаб, ҳинд геометрияси, астрономияси ва ҳаттоки календар тизимларигача чуқур кириб бордилар. Марказий осиеликлар аввалроқ бир нечта алифболарни, жумладан, Сурия ва Ҳиндистондан "келган" алифболарни синаб кўришган. Бир нечта маҳаллий тиллар Исо гапирган тил - оромий тили асосида пайдо бўлган алифбони афзал кўрдилар. Нима бўлганда ҳам, интеллектуал жиҳатдан ташқи дунёга очикроқ бўлган бошқа бирон-бир минтақани тасаввур қилиш қийин.

Марказий Осиё аҳолисининг араблар ва хитойлардан ажралиб туриши уларнинг полиглотлиги-кўп тилларни билишлари билан ажралиб турарди. Улар жуда кўп тил ва алифболар орасида яшашни одатий ҳол деб билардилар ва қандайдир ҳолда улардан қайси биридан ва қачон фойдаланиш кераклигига зехнлари етар эди. Шунинг учун минтақага араб қўшинлари янги динни олиб келганида, ҳеч бўлмаганда нима ҳақида гап кетётганлигини билиш учун ҳам баъзи расмийлар ва зиёлилар ўзлари учун бироз ғалати бўлган араб тилини ўрганишни бошлагани ажабланарли эмас. Кўп ўтмай, савдогарлар классик юнон тилидан таржима қилинган асарларни олиб кела бошладилар. Одатда, араб-христианлар томонидан амалга оширилган бу таржималар марказий осиеликларга, кўпинча ўзлари учун қутилмаган тарзда, фалсафа ва фанда янги ғояларни очиб берди. Бу ғоялар уларнинг олдида янги вазифаларни кўйди: уларни нафақат ўзлаштириш, балки вақт ўтиши билан антик-юнон устозларидан ҳам ўзиб кетиш керак эди.

Шундай қилиб, Катта Марказий Осиёнинг гуллаб-яшнаши унинг географик жойлашуви натижаси эди, мутлақо шундай. Бу, бир томондан, савдо-сотикнинг шиддатли ривожланиши билан тўғридан тўғри боғлиқ бўлган улкан бойликни тўпланишига, иккинчи томондан эса, динлар оқими ва савдо-сотик билан хамроҳ бўлган ғояларнинг юксалишига асосий сабаб бўлди. Бироқ савдо-сотикнинг ўзи бундай интеллектуал уйғонишни келтириб чиқара олмасди, чунки савдо-сотик ҳар доим ҳам доҳиёна таълимотлар вужудга келишига ёрдам бермаслиги маълум. Шунинг учун савдога фақат интеллектуал юксалишнинг зарурий шартли сифатида қараш керак, лекин бу етарли эмас.

Креативликнинг бундай чақнашида диннинг ахамияти қандай эди? Кўпчилик учун Ислом энг муҳим омил эди. Ал-Бухорий узоқ илм йўлига чиққач, бошқа кўплаб буюк мутафаккирлар сингари чуқур тақводорликка оғишмай амал қилди. Ал-Фаробий унинг этика асосларини тадқиқ этиши расмий динни мустақамлашига ҳеч қачон шубҳа қилмаган. Бошқалар эса Фаробий фикрига қўшилиб, айнан дин илм-фанни бошқариши керак аксинча эмас, балки тафаккур эркинлигини чеклаши мумкинлиги ҳақида шубҳаланиш мумкин эмас, деб таъкидладилар. Бироқ, дин кенг омма учун яхши, лекин зиёлилар учун эмас, деб таъкидлайдиган мутлақ скептиклар ҳам бор эди, улар учун у шунчаки фарсдир. Масалан, ўз даврининг буюк математиги, Ғарбга XIX асрда "Умар Хайём рубоийлари" номи билан тақдим этилган бугунги кунда асосан шеърляти билан машҳур бўлган Умар Хайём[6] (1048-1123 – аслида 1048-1131-М.Хайдаров) шундай фикрда эди. (Ушбу иқтибослар муаллиф тадқиқотлари билан бугунги тадқиқотларни таққослаш учун келтирилди)

Буларнинг барчаси интеллектуал жасорат дин амалга оширган тадбирлардан эмас, қилмаганларидан (диний толерантликдан-М.Хайдаров) миннатдор бўлмоғи деган таассуротни кучайтиради. Бу жихатнинг муҳимлиги айниқса, ўша даврларда Ғарбда дин ва фан ўртасида "уруш" бўлганини ҳисобга олсак, янада аён бўлади. Ўзининг бошқа асарларига қўшимча равишда мусиқа назарияси бўйича катта рисола ёзган Ал-Фаробийга ўхшаган инсон олам ҳақида эркин ва малакали фикр юритганида на руҳсатга, на рағбатга муҳтож сезмагандек туйғу пайдо бўлади.

Марказий Осиёнинг Олтин АСРи сабабларини аниқ белгилаш яна шу билан мураккаблашадики, унга мислсиз юксаклик бахш этган буюк алломаларнинг ўзлари жуда хилма-хил бўлган ва уларга нисбатан бирор универсал қолипни келтириб чиқариш қийин. Уларнинг баъзилари бадавлат заминдорлар оиласидан чиққан ва кўчмас мулкдан келадиган даромадлари ҳисобига бемалол кун кўришлари мумкин эди, бошқалари эса (масалан, Ибн Сино ва Беруний) юқори имтиёзли лавозимларга эришган. Аммо охириги икки мутафаккир истисно эди. Аксарият бу мутафаккирлар бутун умрини тадқиқотларга бағишлаган ёки ҳеч бўлмаганда шундай бўлишга интилган оддий олимлар ва зиёлилар эди. Уларни қўллаб-қувватлайдиган университетлар ёки илмий академияларсиз бу осон иш эмасди. Хаттоки ҳақ тўлайдиган бир неча талабаси бўлса ҳам, оладиган даромади уларни тўлиқ таъминлай олмасди. Табиий равишда илм ахли ҳукмдорларнинг саховати ва ҳомийлигига таянишлари табиий ҳол эди.

Бу албатта Марказий Осиё интеллектуал қудратининг асосий манбаларидан бири эди. Олимлик рутбасини эришмоқчи бўлган тадқиқотчи шубҳасиз Марказий Осиёда туғилган халифа Ал-Маъмун томонидан таъсис этилган Донишмандлик уйида - Фанлар академиясидан ўрин топиш умидида Бағдодга бориши мумкин эди. Бинобарин, минтақада маҳаллий ҳукмдорлар ва саройлар ҳам кўп эди, шу жумладан ғарбда - Эронда. Ҳамма Бағдодга ҳурмат билан қарарди, лекин кўпчилик мустақил бўлишни, яъни хизмат мажбуриятларига боғланиб қолмасликни маъқул кўрарди. Маҳаллий ҳукмдорларнинг ҳар бири ўзига хос халифа бўлиб, ўз авторитар қоидаларига эга бўлган ва ўз ҳудудини ҳимоя қилиш учун етарлича улкан турк кўшинига эга бўлган. Улар учун умумий кўриниш мавжуд эди, яъни савдо-сотикни ривожлантирганлар, солиқлар йиғганлар, ҳашаматли пойтахтлар қурганлар, бойликларини санъат ва илм-фанга сарфлаганлар. Бундай саройлардан бири Гурганжда бўлиб, у ерда ал-Беруний ишлаган, иккинчиси эса қадимий, ўша даврга келиб қалъа деворлари билан ўралган Самарқандда бўлиб, у ерда 850-1000-йиллар оралиғида

Сомонийлар сулоласи илм изловчилар билан тўлган ажойиб кутубхоналари барпо этиб, уларда олимлар БОРЛИҚНИНГ БУЮК МАСАЛАЛАРИИни муҳокама қилишган. Мусиқа ва шеърят марказий ўринни эгаллаган ижтимоий ҳаёт қайнарди.

Шу билан бирга, бу ҳукмдорларнинг баъзиларини ҳеч қачон яхши ва олижаноб деб бўлмади, уларнинг ҳаммаси ҳам санъат ва илм-фаннинг нозик ҳомийлари бўлмаган. Масалан, Маҳмуд Ғазнавий (971-1030) ни олайлик. Шарқий Афғонистондаги ўз пойтахтидан у Ҳиндистондан ҳозирги Эроннинг марказига қадар чўзилган империяни бошқарган. У золим ва шафқатсиз ҳукмдор бўлиб, маданиятга заруриятдан кўра кўпроқ безак сифатида муносабатда бўлган (Тарихий ҳақиқат ўзгача эди. Қаранг) [7]. Шунга қарамай, у кейинчалик Ҳиндистон ва ҳиндуизмни биринчи марта ҳар томонлама тадқиқ қилган Ал-Берунийни ўзига жалб қилишга муваффақ бўлди. Маҳмуд Ғазнавий, шунингдек, буюк шоир Абулқосим Фирдавсийга ҳомийлик қилган, унинг улуғвор "Шоҳнома" достони (тахминан 1000-йил) исломгача бўлган Эроннинг бутун манзарасини жонлантириб, енг узоқ мамлакатлар, ҳатто Франциягача бўлган шоирларга таъсир кўрсатган ва ҳозиргача ҳақли равишда жаҳон адабиётининг классикаси ҳисобланади.

Хулоса:

Марказий Осиёда маданий кудратининг сўнгги ёрқин чакнаши салжуқий турклар даврида содир бўлди. У тахминан 1037-йилда бошланган ва юз йилдан ортиқ давом этган. Ҳозирги Туркменистон худудидаги шарқий пойтахтлари Марв ва ҳозирги Эрон-Афғонистон чегараси яқинидаги Нишопурдаги салжуқийлар кўплаб соҳаларда новаторларни рағбатлантирган. Бу даврнинг ютуқлари орасида катта бўшлиқларни кўш гумбаз билан қоплаш усулини кашф этишни алоҳида таъкидлаш лозим. Энг қадимги шундай асарлардан бирини ҳали ҳам Марв харобаларида кўриш мумкин. Бевосита йўллар - меъмор Филиппо Брунеллэски томонидан яратилган Ферраро-Флоренсия собори гумбази орқали Санкт-Петербургдаги Авлиё Николай соборигача - бу янгилик охир-оқибат Вашингтондаги Америка Капитолийси гумбазини белгилаб берди. (Давоми бор)

Иқтибослар/Сноска/References:

1. Стивен Фредерик Старр (1940-йил 24-март) - Россия ва Евроосиё бўйича америкалик эксперт. Россия ва Евроосиё мавзулари бўйича 20 та китоб ва 200 дан ортиқ мақолалар муаллифи ва муҳаррири. У АҚШнинг учта президенти ҳузурида Россия ва Евроосиё бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаган. У АҚШ ҳукумати томонидан Марказий Осиё минтақасидаги муаммоларни ўрганиш учун тузилган гуруҳнинг раиси бўлган. 1999-йилда Бирлашган штаб бошлиқлари кўмитаси учун Марказий Осиё, Кавказ ва Афғонистон бўйича биринчи комплекс стратегик баҳони ишлаб чиқишда иштирок етган. Ушбу ҳудудлар бўйича қонунчилик ишлаб чиқилишида иштирок этган. Жонс Хопкинс университети қошидаги Пол Х. Нице номидаги истиқболли халқаро тадқиқотлар мактаби профессори. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳар томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдаги катта хизматлари, чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришга қўшган салмоқли ҳиссаси, улар асосида ўзбек халқи тарихи ва маданиятига оид қатор фундаментал асарлар яратгани, мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг моҳияти, аҳамияти ва кўлами ҳақида хорижий жамоатчиликни кенг хабардор қилишга қаратилган фаол фаолияти учун - Дўстлик" ордени (2019-йил 29-август, Ўзбекистон) билан тақдирланган.

Фредерик Старр 2023 йил 8 ноябрда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида АҚШ Ташқи сиёсат кенгаши қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти (САСИ) асосчиси ҳамда раиси, профессор Фредерик Старр маъруза ўқиди. Уни тингловчиларга таништириш чоғида Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори Содик Сафоев машҳур америкалик олимнинг Ўзбекистонга бўлган катта қизиқишини ва у билан узоқ йиллик ҳамкорлигини таъкидлаб ўтди.

2. Ушбу асар таниқли тилшунос, адабиётшунос олимлар Низомиддин Махмудов ва Маматкул Жўраевлар томонидан Жаҳон адабиёти журналининг 2014 йил 5 сонидан нашр этилган. Таржимонларга миннатдорчилик билдирган ҳолда асардаги илмий масалалар юзасидан кўшимча маълумотлар бериш асносида мустақил равишда нашрга тайёрланганлигини билдираман.

3. Беруний ўзини инсониятнинг юқори табақадагиларга – динни ақл идрок орқали фалсафий қабул қиладиган лекин кўпол, фақат урф-одат жиҳатидан ва кўр кўрона эмас. Ана шундан ундаги бошқа диний таълимотларга нисбатан бағрикенглик ва объективлик хусусиятлари, оддий, кўпол ва содда ҳиссий диний тасаввурларни, хурофотларни ёқтирмаслик, исломга нисбатан анча юмшоқлик муносабатлари келиб чиққан эди.

Берунийнинг дин ҳақидаги ғоялари кўпгина тадқиқотчиларни, жумладан хорижий олимларни ҳам қизиқтириб келган. Биринчи бўлиб немис олими Э.Захау Берунийнинг диний дунёқарашини ҳақидаги муаммони кўтариб чиқди. У Берунийнинг асарлари асосида мутафаккирнинг нафақат ислом динига балки бошқа динларга муносабатини ўрганган бўлса, покистонлик олим С.Ҳ.Бороний эса Беруний учун “ислом ва илм биргина нарсанинг ўзи эди”, деган фикрларни илгари сурган эди. У фикрини давом эттириб, Беруний ва Ибн Синонинг қарашларини таққослаб, у “иккиси ҳам исломга чин дилдан ишонган ва иккаласи ҳам ўз динларига хизмат қилиш учун ҳаракат қилишган” деган.

Э.Захау, алломанинг дунёқарашини ўрганар экан, Беруний “мусулмон қалби учун энг муҳим бўлган масалаларни, чунончи, ирода эркинлиги ва тақдир, келажакдаги мукофот ва жазо, яратилиш ҳақидаги, Худонинг абадийлиги ва бошқаларни кўриб чиққан”⁸, яна у ўз фикрини давом эттириб, “Беруний ўзининг динга ва фалсафага оид фикрларида мустақил эди ва унинг асарларида динийлик кам сезилади”, деб таъкидлайди. Лекин, Беруний ўз тадқиқотларида ислом динига катта урғу беради. Чунончи, у яҳудийлик дини (иудаизм)ни ва христианликни олам яратилиши масаласини ва шунингдек Одам алайҳиссаломнинг қачон яратилганлиги ҳақидаги мисолларда солиштириб, бу динлардаги чалкашликлар аниқ кўринишини “Таврот”да ҳам, “Инжил”ларда ҳам борлигини кўрсатади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Абу Райҳон Берунийнинг илмий қарашлари, айниқса бағрикенглик борасидаги ғоялари жаҳон илм-фанида катта қизиқиш уйғотмоқда. Хандамова М. Фалсафа фанлари доктори (DSc), Самарқанд давлат чет тиллар институти доценти <https://termiziy.uz/uz/news/1061>

4. Т.ф.д, проф А.Зиё бу ҳақида шундай фикр билдиради: Агар уларнинг ёзган асарлари тилидан келиб чиқилса, улар араб бўлишлари керак. Интернетнинг қулоғини бурасак, чиндан ҳам, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замахшарий ва яна юзлаб хоразмий, бухорий, фарғоний, насафий, кеший, шоший, термизий, марвазийларни араб олими, араб маданияти вакили, ислом олими, мусулмон олими деб ёзиб ётибди. Т.ф.д, проф А.Зиё https://www.facebook.com/groups/246149995752425/permalink/1625080187859392/?comment_id=1626857534348324

5. https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%98%D0%B1%D0%BD_%D0%B0%D0%BB%D1%8C-%D0%A5%D0%B0%D0%B9%D1%81%D0%B0%D0%BC

6. Умар Хайём ҳаёти ва тақдири акс эттирилган энг кўхна қўлёзмаларда унинг ўлими билан боғлиқ қизиқ бир маълумот баён этилган. Бир куни 83 ёшли Хайём ибн Синонинг фалсафага оид асарини мутолаа қила туриб, паймонаси тўлганини, ўлими яқинлигини ҳис этади. Ўша заҳоти мутолаадан тўхтаб, асарнинг ўқиб бўлинган саҳифасига қўлидаги олтин тиш кавлагичини қўйиб китобни ёпади. Сўнг ўрнидан туриб яқинларига васиятларини айтади-да, шу ондан бошлаб ейиш-ичишни тарк этади.

Шом намозидан сўнг у саждага бош қўяди-да, Яратганга шундай илтижо қилади: «Оллоҳ! Мен кучим етганча Сени англашга ҳаракат қилдим. Қанчалар англаганим сайин Сенга яқинлаша бордим. Кечир мени!» у шу сўзларни тугатиб, ҳаётдан кўз юмади. Шоир ва олим Умар Хайём Нишопурдан Марвга олиб борадиган йўл бўйига, шафтолизор ва нокзордан иборат боғга дафн этилади. Унинг қабри ҳозиргача сақланиб қолган.

Инсонлар ва мавжудотлар дунёга келадилар-у, сўнг яна қайтиб кетадилар. Хўш, улар қайдан келадилар ва қайга кетадилар? Ҳокими Мутлақ табиатни яратиб, тартибга солади-ю, сўнг нега унга талафот етказди? Агар сабаб табиатнинг яроқсизлигида бўлса, бунинг учун ким айбдор? Агар табиат яхши бўлса, у ҳолда уни вайрон қилишнинг сабаби нимада? Умар Хайём. <https://ziyouz.uz/hikmatlar/mumtoz-faylasuflar-hikmati/>

7. Ғазнавийлар давлатида илм-фан ва маданият, хусусан, адабиёт ривожланган. Маҳмуд Ғазнавий она тилиси туркийдан ташқари форс, араб, ҳатто паҳлавий тилларини ҳам мукаммал билган ва ўзи шеърлар битган. Унинг саройида 400 дан ортиқ олим, шоир ва санъаткорлар тўпланиб, фаол ижод билан шуғулланишган. Абу Райҳон Беруний, шунингдек, Фаррухий, Унсурий, Манучеҳрий каби шоирлар, Носир Хусрав, Утбий, Гардизий, Байҳақий шулар жумласидан бўлиб, Ғазнада яшашган. Беруний ўзининг "Қонуни Масъудий" ва Байҳақий ўзининг "Таърихи Масъудий" асарларини Масъуд Ғазнавийга бағишлаган. Фирдавсий машҳур "Шоҳнома" достонини Маҳмуд Ғазнавийга тақдим этган. Бироқ буюк табиб Абу Али ибн Сино Ғазнага – султон саройига боришдан бош тортган. Шимолий Ҳиндистонни исломлаштириш ва турклаштириш жараёни айнан Ғазнавийлар давридан бошланган.

Ғазнавийлар давлатида қурилиш ва меъморчиликка ҳам катта эътибор қаратилган. Ғазна, Балх, Нишопур, Лоҳур ва бошқа шаҳарларда кўплаб мадрасалар, масжидлар, хонақолар, саройлар ва боғлар қурилган, кутубхоналар фаолият кўрсатган. Хусусан, пойтахт Ғазна шаҳри гуллаб-яшнаган. Adabiyotlar: Abu-l-fazl Bayxaki, *istoriya Mas'uda* (1039–1041), Т., 1962; 2-nashri, Т., 1969; Beruniy, *Hindiston* (Tanlangan asarlar, 2-j.), Т., 1965; Beruniy, *Qonuni Mas'udiy* (Tanlangan asarlar, 1–2-kitoblar, Т., 1973; 1976; Adabiyotlar: O'zbekiston davlatchiligi tarixi ocherklari, Т., 2001; Erol Gungur, *Tarixda turkiy davlatlar*, Т., 2003. Qahramon Rajabov. https://uz.wikipedia.org/wiki/G%CA%Faznaviylar_davlati

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 4 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 4

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 4

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000